

## МЕТАМФЕТАМИН БИЛАН ЗАХАРЛАНИШ ХОЛАТЛАРИНИ СУД-КИМЁВИЙ ЖИҲАТЛАРИ

А. И. Искандаров,  
Х. И. Примухамедова,  
С. А. Ҳакимов

### Аннотатсия

Сўнгги йилларда кучли таъсир қилувчи моддаларнинг турлари ва улардан захарланиш ҳолатлари кўплаб учраб турмоқда. Захарланиш ҳолатлари асосан кучли таъсир этувчи моддаларни врач назоратисиз қабул қилиш, айниқса ёшлар орасида билиб-билмай қабул қилиш оқибатида юз бермоқда. Бундай ҳолатларда беморларга тез-тиббий ёрдам кўрсатиш зарур. Шу мақсадда экспертиза лабораторияларига биологик суюқликлар таҳлил учун юборилади.

**Калит сўзлар:** Суд тиббий экспертиза, суд-кимё, психотроп моддалар

### Аннотатсия

В последние годы увеличилось количество веществ, оказывающих сильное воздействие и случаи отравления от них становятся все более частыми. Случаи отравления возникают в основном в результате бесконтрольного приема сильнодействующих веществ, особенно среди молодежи. В таких случаях пациентам требуется неотложная медицинская помощь. Для этого биологические жидкости отправляются на анализ в экспертные лаборатории.

**Ключевые слова:** Судебно-медицинская экспертиза, судебная химия, психотропные вещества.

### Абстракт

In recent years, the number of substances that have a strong effect has increased and cases of poisoning from them are becoming more frequent. Cases of poisoning occur mainly as a result of uncontrolled intake of potent substances, especially among young people. In such cases, patients require urgent medical care. To do this, biological fluids are sent for analysis to expert laboratories.

**Keywords:** Forensic medical examination, forensic chemistry, psychotropic substances.

Ўзбекистон Республикасида учрайдиган ва суд-кимё таҳлиллари учун келтириляётган ашёвий далиллар ва объектлар таркибидаги психотроп моддаларни аниқлаш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Кучли таъсир қилувчи

психотроп моддалар билан ўткир ва сурункали заҳарланиш ҳоллари юз берганда тезкор тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида аниқ, сезгир услубларни ишлаб чиқиш ҳамда суд-кимё амалиётига жорий этиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 октябрдаги 878-сон қарори билан тасдиқланган кучли таъсир этувчи психотроп моддаларнинг муомаласи чекланиши натижасида уларни ноқонуний муомалада бўлишини аниқлаш ва фойдаланишнинг олдини олишда суд-кимё экспертизаси амалиёти учун яроқли таҳлил усуллари ишлаб чиқиш асосий мақсадлардан ҳисобланади. Ишлаб чиқилган таҳлил услублари биологик суюқликлар (қон, пешоб ва ошқозон ювинди сувлари) таркибидан кучли таъсир этувчи психотроп моддаларни ажратиш олиш ва тезкор аниқлаш учун тадбиқ этилади.

Хорижий мамлакатларда бу йўналишда тадқиқотлар олиб борилмоқда, аммо кучли таъсир қилувчи психотроп моддаларнинг аналоглари ҳар йили янгилашиб бормоқда. Шунингдек, биологик объектлар таркибидан қисқа фурсат ичида кучли таъсир этувчи моддани аниқлаш учун уларнинг организмда метаболизмга учраши, органларнинг қайси бирига бориб тарқалиши ва сақланишини ҳам чуқур ўрганиш бўйича изланишлар олиб борилмаган. Шу билан бирга Республика суд-тиббий экспертиза илмий амалий маркази ва унинг вилоятлардаги филиаллари моддий-техник базасини инобатга олган ҳолда муаммога ёндошиб замонавий услублар ва уларга муқобил оддий ва юқори самарали усулларни ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш тўғрисида”ги 818-сон буйруғида 78та модда, Вазирлар маҳкамасининг 2018 йил 27 октябрдаги 878-сон «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ўзбекистон республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомалада бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида» ги қарорида 265 та гиёҳванд модда, 85 та психотроп моддалар қайд этилган бўлиб, булардан 90% етарли даражада ўрганилмаган, суд-тиббий экспертиза текширувлари учун усул ва услублар ишлаб чиқилмаган.

Таъсир механизми бўйича, Метамфетамин кимёвий структуравий жихатдан адреналинга ўхшайди, шунинг учун у периферик асаб тизимига кучли адреномиметик таъсир кўрсатади-у периферик томирларни торайтиради, қон босимини оширади, юрак уришини тезлаштиради, қорачиғни кенгайтиради, скелет мушаклари функционал фаоллигини оширади. Ушбу таъсир симпатик тизимнинг фаоллашиши билан боғлиқ.

Метамфетамин Марказий асаб тизимига кучли ва узоқ муддатли психостимулятсион таъсир кўрсатади.

Метамфетамин адреналиндан гидроксил гуруҳлари йўқлиги билан фарқ қилади, шунинг учун у липофил ва қон-мия тўсиғидан мияга осонгина кириб боради. Худди шу сабабга кўра, адреналиндан фарқли ўларок, у катехол-о-метилтрансфераза ферменти томонидан тез парчаланмайди ва кўшимча метил гуруҳи уни моноамин оксидаза (МАО) томонидан парчаланишидан ҳимоя қилади, шунинг учун у организмга жуда узоқ вақт таъсир қилади (метамфетаминнинг қондаги миқдорининг ярмини чиқиш вақти 9-12 соат ва препарат такрорий қабул қилинганда кумулятсия ҳодисаси кузатилиши мумкин). Бироқ, адреналин (ва норадреналин) молекуласи билан ўхшашлиги туфайли метамфетамин ҳам МАО билан боғланади, лекин айти пайтда антидепрессант МАО ингибиторларига ўхшаш таъсирини блоклайди. Бу нейротрансмиттерлар-моноаминлар — норепинефрин, серотонин ва дофаминнинг фаоллигини оширади, улар, хусусан, кайфият ва умумий ақлий фаолиятни тартибга солиш учун жавобгардир. Шу билан бирга, метамфетаминнинг асосий нейрокимёвий таъсир механизми унинг нейронлардан табиий нейротрансмиттерларни (норадреналин ва дофамин) чиқаришга олиб келиши билан боғлиқ бўлиб, бу тегишли тизимларнинг, айниқса дофаминергик кўзғалишини кучайишига олиб келади. Бундан ташқари, у трициклик антидепрессантларга ўхшаш озод қилинган медиаторларни (шу жумладан серотонин) қайтариб олишни блоклайди.

Хулоса қилиб айтганда Суд-кимё соҳасида метафетамин моддасини аниқлаш бўйича экспертиза ва текширувларининг тўлақонлиги ва тўғри бажарилиши учун биологик объектларнинг мақсадга мувофиқ ва ўз вақтида олинишини таъминлаш зарур.

Шахсни метавфетамин истеъмол қилинганликда гумон қил инган ҳолатларда, суд-кимё текшируви натижаларини токсиколог мутахассислар аниқлаган клиник кўринишлар билан интерпретатсия қилиш зарурлигини тавсия қилиш мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Sud ekspertisasi to'g'risida" O'zbekiston Respublikasi Qonuni.
2. O'zbekiston Respublikasi Jinoyat kodeksi.
3. O'zbekiston Respublikasi Jinoyat-protsessual kodeksi.
4. "O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligining sud-tibbiy ekspertiza muassasalarida sud-tibbiy ekspertizalarni o'tkazish tartibi to'g'risidagi yo'riqnoma" (O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligining 2011 yil 25 iyuldagi 227-son buyrug'iga ilova).
5. Ximiko – toksikologicheskiy analiz proizvodnyx amfetamina. Ye. A. Illarionova, I. P. Syrovatskiy.
6. «The pH Levels of Different Methamphetamine Drug Samples on the StreetMarket in Cape Town», p.1 Arxivnaya kopiya ot 8 oktyabrya 2011 na Wayback Machine, 2011, A. Bardow, Oral & Dental Research Institute, Faculty of Dentistry, University of the Western Cape.